O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. N

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 15 (248) • 2010 йил 13 апрель

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## МИКРОКРЕДИТЛАР – ХУСУСИЙ ТАРМОҚ РИВОЖИ УЧУН

***Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2009 йилда 50 фоиздан ошган хусусий сектор янги иш ўринлари яратиш, бандлик масалаларини ҳал этиш, аҳоли даромади ва фаровонлигининг ошишида муҳим ўрин тутмоқда.***

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка давлат томонидан берилаётган имтиёзлар, преференция ва кредитлар шаклидаги ёрдам натижасида хусусий мулкчиликка асосланган ихчам корхоналар сони кўпаймоқда.

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришни молиялашда мамлакатимиз тижорат банклари фаол иштирок этмоқда. Имкон қадар қисқа муддатда кредит ресурсларини тақдим этиш тартибининг соддалаштирилгани, жозибадор фоизли ставкалар бўйича кам миқдорда қарз бериш ва бошқа қатор афзалликлар кичик бизнеснинг иқтисодиётимиздаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг микрокредитлар, микроқарзлар ва микролизинг каби истиқболли шакллари жорий этилди. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ўзининг ҳудудий тармоқлари орқали қишлоқ жойларда тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, инновация лойиҳаларини молиялаш, янги корхоналар ва иш ўринларини ташкил этиш учун бошланғич маблағни шакллантиришга кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия секторини ривожлантириш агентлигининг маълумотларига кўра, 2009 йилда банклар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2008 йилдагига қараганда 120 миллиард сўм кўп микрокредит ажратди.

Натижада ўтган йили кредит уюшмаларининг активлари ва жами капитали қарийб икки баравар ошди. 2009 йилда кредит уюшмаларининг аъзолари бўлган жисмоний шахслар сони бир ярим баравар кўпайгани ҳам мамлакатимизда микромолиялаш сектори жадал ўсаётганидан далолат беради.

Ҳозир мамлакатимизда 103 та кредит уюшмаси, 32 та микрокредит ташкилоти, 48 та гаровхона фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кредит ташкилотлари томонидан биргина 2009 йилда ажратилган микрокредитлар миқдори 193 миллиард сўмдан ошди.

Ўзбекистон банклари хусусий секторга маблағ ажратиш билан бирга Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Германиянинг KFW банки каби халқаро молия институтларининг кичик бизнесни микромолиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кредит линияларига ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Молия секторини ривожлантириш агентлигининг маълумотларига қараганда, жорий йилда микромолиялашни янада ривожлантириш билан боғлиқ яна учта лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан БМТ Тараққиёт дастури, Германиянинг техник ҳамкорлик бўйича жамияти ва Халқаро молия корпорацияси билан биргаликда рўёбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистон микромолиялаш сектори салоҳиятининг юксалиши кичик ва микробизнес фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг ишбилармонлик фаоллигини оширишда муҳим омил бўлади.

***ЎзА материали асосида тайёрланди.***

Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

### ПЕНСИЯ ИСЛОҲОТИ ДОИРАСИДА

**Президентнинг 2010 йил 26 мартдаги ПФ-4209-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 24 мартдаги 52-сон қарори билан бир қатор ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб,** Президентнинг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон Фармонига, Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1251-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон қарорларига мувофиқлаштирилди. Чунончи, кўпгина ҳужжатлардаги «ижтимоий таъминот органлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари» ёхуд «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг бўлимлари»га алмаштирилди. Ҳужжатлар билан бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилди.

Шунингдек Президентнинг ҳамда ҳукуматнинг баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб топилди.

### АМАЛИЙ САНЪАТНИ РИВОЖЛАНТИРАМИЗ

**Президентнинг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ПФ-4210-сон Фармони** билан Президентнинг «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 1 апрелдаги ПФ-3983-сон Фармонининг 1-бандида назарда тутилган, уй шароитида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаш юзасидан **солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати** «Ҳунарманд» уюшмаси аъзолари – якка тартибдаги тадбиркорлар учун **2012 йилнинг 1 апрелигача узайтирилди.**

### ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

**Президент Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасини ташкил қилиш тўғрисидаги Битимга *(Рим, 1976 йил 13 июнь)* қуйидаги изоҳ билан Ўзбекистоннинг қўшилиши тўғрисида 2010 йил 25 мартдаги ПҚ-1310-сон қарорни имзолади:**

«Битимнинг 13-моддаси 4-бўлимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Битим 11-моддаси 2-бўлимининг қоидалари билан ўзини боғлиқ эмас деб ҳисоблашини билдиради».

Айнан шу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги фавқулодда ва мухтор Элчиси Ўзбекистон Республикасидан ҚХРХЖ Бошқарувчилар Кенгашига Бошқарувчи сифатида, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг мутасадди ўринбосари Бошқарувчи ўринбосари сифатида белгиланди.

### АЁЛ МУРАББИЙЛАР МЕҲНАТИ

**Президентнинг 2010 йил 1 апрелдаги «Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1315-сон қарори** билан молия, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари вазирликларининг **2010 йил 1 апрелдан бошлаб** қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда спорт устози бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда 15 фоиз миқдорда **устама ҳақ белгилаш** тўғрисидаги таклифи қабул қилинди. Ушбу устамалар Давлат бюджетининг 2010 йил учун «Таълим» бўлими бўйича тасдиқланган харажатлар доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан тўланиши белгиланган.

### ЛИЗИНГ НОТАРИУСГА МУҲТОЖ ЭМАС

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 мартдаги 57-сон қарори билан Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга *(Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган)* ўзгартишлар киритилди.** Уларга мувофиқ, **автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар нотариуслар томонидан нотариал тартибда**: ихтисослаштирилган савдо корхоналари (автомототранспортни ишлаб чиқарувчи корхоналар, уларнинг вакиллари ва воситачи (дистрибьюторлик) ташкилотлар); лизинг шартномалари бўйича лизинг хизматлари кўрсатадиган ташкилотлар (енгил автотранспорт воситалари лизингидан ташқари); юридик шахслар билан лизинг шартномалари бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқарилган енгил автотранспорт воситалари қисмида камида 2,0 млрд сўм миқдорида устав капиталига эга бўлган кредит ташкилотлари ва асосий фаолият тури лизинг ҳисобланган ташкилотлар; Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳудудий бошқармаларининг суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари томонидан белгиланган тартибда кимошди савдоларида сотилганда **тасдиқланмайди**.

### НОТАРИУСЛАР УЧУН ЙЎРИҚНОМА

**Адлия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2010 йил 30 мартда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди.** Мазкур буйруқ кучга кирган кундан бошлаб Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрелдаги 33/1-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида қўлланма ўз кучини йўқотади.

**2010 йил 1 июндан кучга киради.**

### МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи (2010 йил 30 мартда 2091-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Деталларни гидроқумпуркаш ва майдалаб пуркаш ва кимёвий ишлов бериш усуллари билан тозалашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари тасдиқланди.**

**2010 йил 9 апрелдан кучга кирди.**

### ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИЛАДИ

**Адлия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2010 йил 30 мартда 1905-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига** *(рўйхат рақами 1905, 2009 йил 14 февраль)* **киритилган ўзгартишларга мувофиқ,** рақобатни бевосита ёки билвосита чеклаши ва монополияга қарши қонун ҳужжатлари принципларини бузиши мумкин бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида мажбурий тартибда дастлабки экспертизадан ўтказилади.

**2010 йил 9 апрелдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 27 мартдан 2 апрелгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 13-сони асосида тайёрланди.***

УШБУ СОНДА

1-бет — Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ
2-бет — Бюджет маблағларидан қандай фойдаланилди?
3-6-бетлар — “Биз яшайдиган уй”
7-8-бетлар — Реклама

$1 = 1556,69 сўм € 1 = 2105,11 сўм £1 = 2376,60 сўм ¥10 = 164,92 сўм

***31 мартда парламент қуйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Ҳисоб палатасининг 2009 йилги фаолияти тўғрисида ҳисоботини кўриб чиқдилар ва бюджет маблағларидан оқилона фойдаланмаган бир қатор вазирликлар, идоралар, жойлардаги ҳокимият органлари ва банк ташкилотлари вакилларидан тушунтириш беришларини талаб қилдилар.***



# ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ҲИСОБОТИ



**Қобилжон ТОШМАТОВ,**
**Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси**
*(ЎзЛиДеП фракцияси):*

– Ўтган йили Ҳисоб палатасининг иш дастури Давлат инқирозга қарши чоралар дастури томонидан қўйилган вазифалар, иқтисодиётда таркибий ўзгартишларни давом эттириш зарурати, аҳолининг иш билан банд бўлишини таъминлаш, хизматлар ва кичик бизнес соҳасини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек банклар фаолиятини такомиллаштириш бўйича вазифалардан келиб чиқиб ишлаб чиқилган эди. Умуман Давлат бюджети ижроси ташқи аудити ўтказилди ва баҳоланди, бюджет маблағларининг бир қатор идораларда қонуний, мақсадга мувофиқ ва самарали сарфланиши назорат қилинди, Навоий ва Тошкент вилоятларининг маҳаллий бюджетлари, Ўзсаноатқурилишбанк фаолиятининг баъзи жиҳатлари таҳлил қилинди.

Натижада бир қатор ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Мисол учун, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги кўплаб инжиниринг компаниялари бажарилган ишларнинг ҳажмларини мунтазам камайтириб келганлиги фош бўлди. Бундай ҳаракатлар натижасида Тошкент вилояти бюджети 51,8 млн, Навоий вилояти бюджети 40,7 млн сўм миқдорида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни кам олган. Даромадларни кўпайтириш учун резервларни излаш ўрнига айрим маҳаллий ҳокимият органлари мунтазам равишда ана шундай аҳволга йўл қўймоқда. Ушбу ҳокимликларнинг раҳбарлари айбдорларни жазолаш ва муаммо хусусида халқ депутатларининг вилоят ва туман сессияларида очиқ гапириш ўрнига тор доирада уни муҳокама қилгандек бўладилар, бироқ ушбу соҳада қатъий назорат илгари мавжуд бўлмагандек ҳозир ҳам йўқ.

Яна бир мисол. Тошкент вилоятидаги халқ таълими муассасалари томонидан банк кассаларига 207 млн сўм топширилмаган. Пул ота-оналардан мактаблар фондига йиғилган, бироқ қонунда белгилангандек мактаб муассасаларининг ҳисобрақамларига келиб тушмаган.

Давлат барқарор банк тизимини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаяпти. Бироқ Ҳисоб палатаси томонидан текширилган Ўзсаноатқурилишбанк ўз ваколатлари доирасида мижозларининг молиявий интизомини етарлича назорат қилмаяпти. Ҳуқуқбузарликлар қайд этилмоқда, бироқ чоралар кўрилмаяпти.

Депутатларнинг таъкидлашларича, бир қатор бюджет ташкилотларида йил сайин бир хил ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаяпти, яъни давлат маблағларини ўзлаштирилиб, улардан мақсадга кўра фойдаланилмаяпти, ички назорат ўрнатилмаган.

Мунтазам тарзда йўл қўйилаётган ҳуқуқбузарликлар мунтазам чоралар кўришни тақозо этади. Қўмита қандай чоралар кўрилганлиги ва Ҳисоб палатасининг кўрсатмалари қандай бажарилаётганлигини ўзи учун аниқлаш мақсадида Тошкент ва Навоий вилоятлари, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ раҳбар ходимларининг тушунтириш ва ҳисоботларини тинглади.

Яқин орада ушбу масала сиёсий партияларнинг барча фракциялари, «Ўзбекистон экологик ҳаракати» гуруҳида ва Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида тинглади.

***Ўз ахборотимиз.***

Қарор ва ижро

# ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯ САМАРАСИ

***Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида 2010 йилда реал секторнинг асосий соҳаларидан бири – энергетикани техник ва технологик янгилаш муҳим аҳамият касб этади.***

Ушбу муҳим соҳада амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар мамлакатимиз энергетика салоҳиятини янада ривожлантириш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш, истеъмолчиларни электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлашнинг ишончли ва сифатли тизимини шакллантиришга қаратилган.

Бу соҳада моделли номини олган йирик лойиҳалардан бири «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда Япониянинг «TOHOKU Electric Power Co., Inc» электроэнергетика компанияси томонидан «Тошкент ИЭМ» очиқ акциядорлик жамиятида амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 4 февралда қабул қилинган «Тошкент ИЭМ» очиқ акциядорлик жамиятида когенерацион газ-турбинали технологиясини жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бош лойиҳачи сифатида «Иссиқликэлектролойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти, қурилиш-монтаж ишлари бўйича бош пудратчи сифатида – «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти белгиланди.

Тошкент иссиқлик энергия маркази пойтахтимиз қурилиш-коммунал сектори ҳамда саноат корхоналарига электр ва иссиқлик энергияси етказиб берувчилардан биридир. У Тошкент шаҳрининг етти туманини иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлайди.

Ушбу йирик ва ноёб лойиҳадан кўзланган асосий мақсад Тошкент шаҳри истеъмолчиларини иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлаш ишларининг ишончлилигини оширишдан иборат. Бунда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда янги қувват манбаларини яратиш зарур. Бу вазифа бир қатор афзалликларга эга бўлган, қўллашда осон ва деярли тўлиқ автоматлаштирилган газ-турбина қурилмаларини бунёд этиш орқали амалга оширилади. Бундан ташқари, газ-турбина блоки нисбатан ихчам ва юқори ҳаракатчан хусусиятига эга. Янги технологияларга ўтиш ёқилғини тежаш, экологик вазиятни яхшилаш имконини беради. Ушбу лойиҳани амалга ошириш электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилади.

***ЎзА материали асосида.***

## ДИҚҚАТ! «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»ГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!



**Агар сиз сотиб олган маҳсулотингизга харид чеки бермаган, сифат сертификати ёки маҳсулотнинг яроқлилик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмай туриб савдо фаолиятини юритаётган ёхуд бошқа ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда ҳудудий давлат солиқ идораларининг қуйидаги ишонч телефонларига хабар беринг.**

| | | |
|---|---|---|
| Давлат солиқ қўмитаси | 8-371 | 244-98-98 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ДСБ | 8-361 | 222-00-33 |
| Андижон вилояти ДСБ | 8-374 | 222-14-77 |
| Бухоро вилояти ДСБ | 8-365 | 223-16-89 |
| Жиззах вилояти ДСБ | 8-372 | 226-23-23 |
| Навоий вилояти ДСБ | 8-436 | 0-62 |
| Наманган вилояти ДСБ | 8-369 | 226-81-86 |
| Самарқанд вилояти ДСБ | 8-366 | 234-06-16 |
| Сирдарё вилояти ДСБ | 8-367 | 225-11-20 |
| Сурхондарё вилояти ДСБ | 8-376 | 223-29-64 |
| Фарғона вилояти ДСБ | 8-373 | 224-35-57 |
| Хоразм вилояти ДСБ | 8-362 | 227-13-67 |
| Қашқадарё вилояти ДСБ | 8-375 | 225-10-82 |
| Тошкент вилояти ДСБ | 8-371 | 150-49-56 |
| Тошкент шаҳар ДСБ | 8-371 | 244-54-86 |

**Бу билан сиз жамият олдида ўз фуқаролик бурчингизни бажариш билан бир қаторда ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйишга ҳамда нақд пул маблағларининг банк кассаларига вақтида келиб тушишига ҳиссангизни қўшган бўласиз.**

***ДСҚ Ахборот хизмати.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 8.04.2010 | 1 | 0,8035 | 1 | 1,0712 | 1 | 0,0274 |
| Арманистон | 8.04.2010 | 1 | 399,45 | 1 | 531,11 | 1 | 13,57 |
| Беларусь | 9.04.2010 | 1 | 2980,00 | 1 | 3966,08 | 1 | 101,36 |
| Грузия | 8.04.2010 | 1 | 1,7454 | 1 | 2,3326 | 1 | 5,9582 |
| Қозоғистон | 9.04.2010 | 1 | 146,85 | 1 | 195,25 | 1 | 4,99 |
| Қирғизистон | 9.04.2010 | 1 | 45,3943 | 1 | 61,349 | 1 | 1,5494 |
| Латвия | 9.04.2010 | 1 | 0,527 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,018 |
| Литва | 9.04.2010 | 1 | 2,5921 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,8107 |
| Молдова | 8.04.2010 | 1 | 12,3771 | 1 | 16,5253 | 1 | 0,4218 |
| Тожикистон | 9.04.2010 | 1 | 4,3679 | 1 | 5,8164 | 10 | 1,5056 |
| Ўзбекистон | 6.04.2010 | 1 | 1556,69 | 1 | 2105,11 | 1 | 53,28 |
| Украина | 8.04.2010 | 100 | 792,42 | 100 | 1057,0883 | 10 | 2,7051 |
| Эстония | 8.04.2010 | 1 | 11,7683 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,399747 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

УШБУ СОНДА:

• УСТУВОРЛИКЛАР
– Микрокредитлар – хусусий тармоқ ривожи учун
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз *1-бет*
• ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА
– Ҳисоб палатаси ҳисоботи
– Тежамкор технология самараси
– Валюталар курси *2-бет*
• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ
– «Бевосита мулоқот» орқали долзарб саволлар
– ХУМШдан олинмайди
– Бошқарувчи ташкилот қандай хизматларни кўрсатади? *3-6-бетлар*
– Таъмирлаш керакмикан?
• top *7-8-бетлар*




**МУНДАРИЖА:**


- ✓ «Бевосита мулоқот» орқали долзарб саволлар
- ✓ ХУМШдан олинмайди
- ✓ Бошқарувчи ташкилот қандай хизматларни кўрсатади?
- ✓ Таъмирлаш керакмикан?




# «БЕВОСИТА МУЛОҚОТ» ОРҚАЛИ ДОЛЗАРБ САВОЛЛАР

***Нима учун ширкатлар умумий йиғилишларни ўтказмайдилар ва мажбурий тўловларни оширадилар? Лифтларнинг ишлаши учун ким жавоб беради ва нега томлардан чакка ўтади? Қарздорларга қарши қандай курашиш лозим ва умумий мулкни сақлаб туриш учун нотурар жойларнинг эгалари қанча тўлашлари керак? Ана шу ва кўпгина бошқа саволларга жавобни тошкентликлар Тошкентдаги хусусий уй-жойлар мулкдорлари ширкатлари уюшмасининг мутахассислари ўтказган телефондаги сўнгги «бевосита мулоқот» вақтида олдилар. Бизнинг газетамиз ушбу тадбирни ахборий мадад билан таъминлади. Икки соат мобайнида уй-жой мулкдорларининг саволларига Уюшманинг бош муҳандиси Раиса ЛИ, бош мутахассис Мирсолиҳ СОАТОВ ва мутахассис Абдували АБДУВОҲИДОВ жавоб беришди.***

***Ушбу тадбир пойтахтликлар билан биринчи телефон мулоқоти эмас. Унинг якунларини таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкин: аҳолини ташвишлантираётган муаммоларнинг асосий сабаби – ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан етарлича хабардор эмаслик, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун*** *(2006 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-32-сон, бундан кейин – Қонун)* ***асосларини яхши билмасликдир. ХУМШни ҳали ҳам ЖЭК (уй-жойдан фойдаланиш идораси) деб аташади, ҳолбуки унинг йўқ бўлганига 10 йил бўлди. «Бизнинг пулларимиз қаерга кетяпти?», «Бизни раис қаноатлантирмайди», «Капитал таъмирлашни ким қилиши керак?» ва шу каби саволлар ҳали ҳам долзарб.***

***Кишиларга улар мустақил равишда еча олмайдиган муаммоларини ҳал этиш механизмини батафсил тушунтирганларида баъзан уларнинг овозларидан ҳафсалалари пир бўлганлиги кўзга ташланарди: сиз келиб, раисни ишдан бўшатасизлар, уни томни, қувурларни таъмирлашга, уй йўлакларида эшиклар ўрнатишга мажбур қиласизлар, бошқарувни ўзгартирасизлар деб ўйлагандик. Бироқ айни шу кутиш барча муаммоларимизнинг сабабидир. «Бевосита алоқа» ташкилотчиларидан ҳеч бири уйингизга келиб, уни таъмирлаш, бошқарувнинг янги аъзоларини сайлаш билан шуғулланмайди, уларни, дарвоқе, Уюшмага мурожаат қилганларнинг бирортаси ҳам қўшни бўла туриб билмайди.***

***Биринчидан, «бевосита мулоқот» – телефон орқали маслаҳат воситасида бериладиган «тез ёрдам». Агар сиз коммунал хизматларнинг боши берк кўчасига кириб қолган ва нима қилишни, уйда тўпланиб қолган муаммоларни қандай қилиб ҳал қила бошлашни билмасангиз, мутахассисларнинг тавсиялари бундай вазиятда қандай йўл тутишингиз кераклигини кўрсатади. Иккинчидан, ҳар бир мурожаат назоратга олинади. Бевосита мулоқот якунланганидан кейин Уюшма ходимлари туман бўлинмалари, ширкатлар билан боғланадилар, муаммонинг моҳиятини аниқлайдилар, жойларда ҳал қилиш топшириқларини берадилар ва ушбу жараённи назорат қиладилар. Учинчидан, аҳоли қўл қовуштириб ўтирмайдиган, ўзлари чора кўришга уринаётган, бироқ ҳеч нарсани ўзгартира олмайдиган жойларга Уюшма мутахассислари бориб, ХУМШнинг бир-икки аъзосига эмас, балки фуқароларнинг умумий йиғилишига маслаҳат ёрдами кўрсатишга тайёрлар. Тўртинчидан, ушбу мурожаатлар раислар ва квартира эгалари билан оммавий равишда тушунтириш ишларини олиб бораётган шаҳар ширкатлар ташкилоти ходимларига бўлғуси семинарларнинг мавзу доирасини белгилаш, муаммоли ХУМШни доимий ўтказиладиган мониторинглар режасига киритиш имконини беради.***

***Хуллас, «бевосита мулоқот» вақтида қандай саволлар энг кўп берилди? Зеро улар бошқа квартираларнинг эгаларини ҳам ташвишлантириши шубҳасиз.***

**Таҳририят ихтилофли вазиятларни ҳал қилишда иштирок этмайди ва уларни ечишга кўмаклашиш ваколатига эга эмас.*

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***



*Тошкент шаҳар ХУМШлар уюшмаси бош муҳандиси Раиса ЛИ.*

## УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ЧАҚИРИЛСИН!

***Б.Нажмиддинов, «Уста Ҳасан Темур бобо» ХУМШ (Яккасарой тумани):***

**Қонуннинг 20-моддасида белгиланишича, ширкат аъзоларининг ҳар йилги умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олтмиш кундан кечиктирмай чақирилади. Агар у ўз вақтида ўтказилмаган бўлса, назорат қилувчи органлар ХУМШ-га нисбатан бирор-бир чоралар кўришлари мумкинми? Зеро кўп мулкдорлар жуда пассивлар, уларни йиғилиш бўлган ёки бўлмаганлиги ташвишлантирмайди.**

– Айтингчи, умумий йиғилишингиз ўтказилмаганидан ким кўпроқ азият чекади? Мулкдорлар. Шундай экан, ким сизларни назорат қилиши керак? Аввало мулкдорлар йиғилиш ўтказилиши ёки ўтказилмаслигига лоқайд бўлмасликлари керак. Умумий йиғилишнинг ўтказилмаганлиги қуйидаги оқибатларга олиб келади: ХУМШ аъзолари ишлар режаси, даромад ва харажатлар сметасини тасдиқламайдилар, уларга умумий мулкни сақлаб туришга мажбурий бадал нималардан ташкил топиши тушунарли бўлмайди ва ҳоказо. Айтингчи, агар квартирангиз жуда ёмон ҳолатда бўлса, четдан кимдир келиб сизни европача таъмирлашга мажбур эта оладими? Йўқ, албатта... Квартирангизда ўзингиз ҳаммасини режалаштирасиз, қандай қилиб ва нимани таъмирлашни ҳал қиласиз. Ягона фарқи – фуқаролар биргаликда қарор қабул қилишлари ва ўз уйларини сақлашлари керак. Агар қўшниларингиз пассив бўлсалар, Қонунни билмасалар, уларни йиғилишга тўпланг, биз келиб маслаҳат берамиз, ХУМШ иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тушунтирамиз.

***С.П.Шульженко, «Боз-Гулистон» ХУМШ (Мирзо Улуғбек тумани):***

***Ўтган йилнинг январидан бошлаб ширкат бадал миқдорини 40 фоизга кўпайтирди. Бироқ уйда ҳеч қандай иш қилинмаяпти: уй йўлаклари, ёритиш, том таъмирланмаяпти, томдан чакка ўтиб, бир неча қаватга сув оқаяпти. Биз пулларимиз қаерга кетаётганлигини билмаймиз. Бизда умумий йиғилишлар ўтказилмайди, ўтказилса ҳам номига ўтказилади, аҳолини ҳеч ким бундан хабардор қилмайди. Йиғилиш масаласини кўтариш бефойда – ҳеч ким муносабат билдирмайди. Биз ўз йўлагимизда ўзимиз пул йиғдик, кодли қулф билан ёпиладиган металл эшик ўрнатдик, ёритиш масаласини ҳал қилдик. Бизнинг бадалларимиз нималарга кетяпти? Фақат ширкат ходимларининг иш ҳақигами? Балки сиз раисга таъсир кўрсата оларсиз, нима учун у ўзини бундай тутаётганлиги, бадалларимиз нималарга сарфланаётганлиги, нима учун биз даромад ва харажатлар сметаларини бирор марта ҳам кўрмаганлигимиз хусусида хат ёзарсиз?***

– Келинг, ким ширкатда умумий йиғилиш ўтказиши кераклигини билиб олайлик. Агар раис уни ўтказиш тўғрисидаги мурожаат ва илтимосларингизга муносабат билдирмаса, сизда бошқарув аъзолари – ёнма-ён яшовчи қўшниларингиз бор. Қонуннинг 24-моддасида белгиланишича, бошқарув ширкатнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширади. Унинг ваколатларига, хусусан, ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишини чақириш ва ташкил қилиш киради *(Қонуннинг 25-моддаси)*. Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ **ширкат аъзоларининг ҳар йилги ҳисобот умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олтмиш кундан кечиктирмай чақирилади. Ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бошқарувнинг, ширкатда камида ўн фоиз овозга эга бўлган ширкат аъзоларининг ташаббусига, шунингдек тафтиш комиссиясининг талабига биноан чақирилиши мумкин.** Шу сабабли сиз ушбу масалани қўшнилар билан муҳокама қилишингиз ва албатта умумий йиғилиш ўтказишингиз керак, унда ширкат фаолияти бўйича барча муҳим қарорлар қабул қилинади. Квартира эгаларидан бошқа ҳеч ким уйга доир кескин турган масалаларни ҳал эта олмайди. Лойиҳасини Қонунга мувофиқ бошқарув тузиши керак бўлган даромад ва харажатлар сметасига ўзгартишлар киритиш мумкин. Ширкат аъзолари умумий йиғилишнинг ижобий қарорини қайд этиб, ишни бошлаб юборишлари керак.

Биз ширкатингиз фаолияти мониторингини ўтказамиз. Уйингиз аҳлини йиғинг, биз улар билан учрашиб, сизларни ташвишлантирувчи масалалар бўйича жойнинг ўзида тушунтириш ва маслаҳатлар берамиз.

## БАДАЛЛАРНИ КАМАЙТИРСАК, УЙ НУРАБ ТУШИШИГА САБАБЧИ БЎЛМАЙМИЗМИ?

***У.Набиев, Ф.Орифжонов, О.Рустамов – кўп хонадонли уйдаги нотурар жойлар мулкдорлари, «Камолон» ХУМШ (Шайхонтоҳур тумани):***

**Биз «Камолон» ХУМШга кирадиган уйлардаги нотурар жойлар эгаларимиз. Бизни нотурар жойлар мулкдорлари учун мажбурий бадалнинг миқдори қандай белгиланиши қизиқтиради. Ширкатимиз аъзолари учун у 1 кв. метр уй-жой майдони учун 110 сўмни, нотурар жойлар мулкдорлари учун 1 кв. метрга 300 сўм ва ундан кўпни ташкил қилади.**

– Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммасига олиши шарт. Унинг умумий харажатлардаги иштироки улуши уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли яшаш учун мўлжалланмаган жой майдонига мутаносиб равишда белгиланади. Бошқача айтганда, Қонун бадал тўлашда турар жойлар ва нотурар жойлар эгаларини тенглаштиради. Бироқ жуда кўп ҳолларда нотурар жойлар эгалари уйдаги умумий мулк эскиришига кўпроқ ҳисса қўшадилар: натижада уй ичидаги тизимлар, тротуарлар, уй ёнидаги йўлкалар тез бузилиши мумкин. Нотурар жойларда дорихоналар, сартарошхоналар, Интернет-кафелар, мини-банклар ва бошқа бизнес тузилмалари жойлаштирилса, фуқароларга бу ноқулайлик туғдириши мумкин, улар шовқин-суронидан, ҳудуднинг ифлосланганлигидан шикоят қиладилар. Шу боис баъзи ширкатлар нотурар жойлар мулкдорлари учун оширилган тариф белгилайдилар. Қонуннинг 6-моддасига кўра, ХУМШ билан кўп хонадонли уйдаги нотурар жой эгаси ўртасидаги муносабатлар шартнома билан тартибга солинади, яъни тарафлар келишиб олишлари керак. Агар ХУМШ унинг

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

учун тарифни оширса, бунинг сабабини асослаб бериши керак. Агар у умумий мулкни сақлаб туришга ҳисса қўшса, масалан, фасадни таъмирласа, йўлкага асфальт ётқизса, уй ичидаги тизимларни алмаштирса, ХУМШ учун офис қуриб берса, ҳудудни ободонлаштирса, ширкат билан келишув бўйича, ушбу ишларни бажариш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, унинг мажбурий бадал миқдори камайтирилиши мумкин. Бироқ агар ушбу ишлар режалаштирилмаган бўлса, уларни бажарган нотурар жой эгаси қайта ҳисоб-китоб қилишни талаб қилса, ширкат унга рад жавоби беришга ҳақли, чунки даромад ва харажатлар сметасида ушбу мақсадларга харажатлар назарда тутилмаган.

***Қосимова, «Олмазор-бир» ХУМШ (Олмазор даҳаси):***

**Менинг тушунишимча, ХУМШнинг вазифаси – уйнинг умумий мулки – ертўлалар, қувурлар, том, йўлаклар ва ҳоказоларни лозим даражада сақлашдир. Бироқ нималар қилинаётганига бир қаранг! Бир ширкатда кишилар ушбу умумий мулкни сақлаб туришга 1 кв. метр майдон учун 100 сўм, бошқа ширкатда – 120 сўм, учинчисида – 150 сўм тўлашади. Бадаллар турлича, ҳолбуки уйлардаги умумий мулкнинг таркиби амалда бир хил. Мажбурий бадални белгилаётганда асос бўлувчи қандайдир ягона тариф, мезон борми? Канда қилмай тўловчилар пенсионерлар, ўрта ҳол яшовчи кишилардир. Бир нечта квартираси бўлган бадавлат кишилар эса кўпинча йиллар давомида тўламайдилар. Натижада биз – пулни ўз вақтида тўловчилар азият чекамиз. Қарзлар туфайли ширкат умумий мулкка самарали хизмат кўрсата олмайди, таъмирлашни ўтказа олмайди. Қарздорларни пулни тўлашга қандай қилиб мажбур этса бўлади?**

– Умумий мулкни сақлаб туришга мажбурий бадалнинг ўзи нима? Моҳиятан, улар уйингизга хизмат кўрсатиш ишларини бажариш, таъмирлаш харажатларини қоплаши керак. Гапингиз тўғри, ҳар бир уйда умумий мулкнинг таркиби амалда бир хил, бироқ унинг **техник ҳолати турлича.** Буни учта бир уйли ширкатлар мисолида кўриб чиқайлик. Фараз қилинг, биринчи уйда умумий мулк яхши ҳолатда, уйда яшовчилар мамнун, ҳеч ким шикоят қилмайди, ширкат асосан жорий хизмат кўрсатиш билан банд. Бошқа уйда – томдан икки квартирага чакка ўтган, қолган нарсаларга чидаш мумкин. Учинчи уйда том тешилиб кетган, иккинчи қаватгача квартираларга сув тошади, капитал таъмирлашни бундан кейинга қолдириб бўлмайди. Ушбу ширкатларнинг бошқарувлари ишларни режалаштирганда, иккинчи ХУМШ томнинг жорий таъмирини, учинчи ширкат эса капитал таъмирлашни режалаштириши мумкин. Уларни бажариш харажатлари, шубҳасиз, турлича бўлади. Энг кам харажатни биринчи ширкат, энг кўп харажатни эса учинчи ширкат қилади. Тегишинча, ушбу харажатларни қоплаши керак бўлган бадаллар миқдори ҳам турлича бўлади. Шу боис кишилар қўшни уйда бадаллар оз деб гапиришса, бу ҳол тенглаштириш учун мисол бўла олмайди. Учинчи ХУМШда ҳам бадалларни икки баравар камайтирса бўлади, бироқ бунда уй қулаб тушади.

Пулни тўламайдиганларга келсак, бунда уларга қарши курашишнинг бир нечта усули мавжуд. **Ширкат устави ёки ички тартиб қоидаларида қарздорлар билан ишлаш регламентини назарда тутиш керак.** Муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш йўллари орасида жамоат таъсири чоралари бор. Ўзаро муносабатларда яхши қўшничиликка асосланиш ва қўшнининг фикри билан ҳисоблашиш халқимизга хос хислат. Масалан, аввалига раис (бошқарув аъзолари, уй, йўлак қўмитаси бошлиқлари) қарздорларга қарзни узиш зарурлигини тушунтирсин. У туфайли бундай бажарилиши муҳим иш ёки таъмирлашни тугатиш якунланмаётганлигини тушунтирсинлар.

Ушбу масалани умумий йиғилишда кўтариш мумкин, бу ерда интизомсиз қўшниларнинг исмлари, улар қарзининг миқдори ва тўламаслиги оқибатлари айтилади. Баъзи ширкатлар бадалларни тўламаганларнинг рўйхатларини ахборот стендлари, йўлакларга иладилар, кабелли телевидение ёрдамидан фойдаланадилар, иш жойига хатлар юборадилар.



*Уюшма мутахассиси Абдували АБДУВОҲИДОВ.*



*Уюшма бош мутахассиси Мирсолиҳ СОАТОВ.*

ХУМШда тўлов интизомини бузувчиларга уйларининг фаровонлиги учун бирор-бир ишни бажаришни, масалан, йўлаклар, уй ёнидаги ҳудудни супуриб-тозалашни, болалар майдончасини жиҳозлаш ва ҳоказоларни таклиф қилиш мумкин. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, мажбурий бадалларнинг **бир қисмини** алмаштиришнинг бундай шакли *(бунга Қонуннинг 30-моддаси йўл беради)* умумий йиғилишнинг қарори билан маъқулланиши керак. Агар бу чораларнинг барчаси ёрдам бермаса, бадал тўламаганнинг манзилига унинг номида фалон миқдорда мажбурий бадал бўйича қарзнинг мавжудлиги, фалон кунгача уни тўлаши кераклиги тўғрисида ёзма огоҳлантириш юборилади. Бадал тўланмаган тақдирда ширкат қарзни ундириш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Дарвоқе, шаҳар уюшмаси юристлари ширкатингизга қарзларни ундириш бўйича ёрдам кўрсатишлари мумкин.

## ҲУДУДНИНГ ЭГАСИ КИМ?

***Т.Рўзиева, «Умид нури сервис» ХУМШ бошқаруви аъзоси (Мирзо Улуғбек тумани):***

**Уйимиз ёнида дўкон бор, унда пиво, сигареталар сотилади. Бундай қўшничилик аҳолига фақат нохушлик келтирмоқда. Савдо шохобчасининг кунда-шундалари деразалар тагида пиво ичишади, шишалар, ахлат ташлашади, шовқин қилишади, сўкинишади, бир-бирлари билан уриш-жанжал қилишади. 2009 йил июлида ширкат аҳоли номидан бу бебошликка чек қўйишга қарор қилди. Биз**

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

**туман савдо департаментига мурожаат қилдик. Аниқланишича, дўкон хўжайинларида савдо қилиш ҳуқуқига оид рухсат берувчи ҳеч қандай ҳужжат йўқ экан. Бутун вақт мобайнида улар ўз чўнтаклари учун савдо қилиб, солиқ тўламай келишган. Биз солиқчиларни чақирдик, улар бунга асосан товарни мусодара қилишди. Архитектура-лойиҳалаштириш бош бошқармаси вакилларини таклиф қилдик, улар шаҳарсозлик меъёрлари бузилганлигини қайд этдилар. Буларнинг ҳаммаси ҳужжатлар билан қайд этилди. Дўкон ярим йилча ишламади, бироқ яқинда унинг эгалари товар олиб келиб, яна ўз фаолиятларини бошлашди. Ширкат савдо қилиш ҳуқуқига доир ҳужжатларни талаб қилди – унга ҳеч нарса тақдим этилмади. Қонуннинг 35-моддасига кўра ширкатга тааллуқли бўлмаган объектларни ширкатнинг ер участкасида жойлаштириш ширкат аъзолари умумий йиғилишининг розилиги билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Бироқ бунга бизнинг ХУМШ аъзолари ҳеч қандай розилик берганлари йўқ. Яқинда судга даъво билан мурожаат қилдик. Биз дўконни нима қилишимиз мумкин?**

– Сизнинг ширкатингиз 3 йилдан бери мавжуд, бироқ ҳозиргача ер участкасидан фойдаланишга доир давлат далолатномасига эга эмассиз. Қандай қилиб бундай ҳолатда унга доир ҳуқуқларингиз мавжудлиги ҳақида гапира оласиз? **ХУМШ рўйхатга олинганидан кейин бир ой мобайнида сиз ер ресурслари ва давлат кадастри бўйича органга мурожаат қилишингиз ва ширкатнинг ер участкасини расмийлаштиришингиз лозим эди** – ушбу ерга шунчаки эгалик қила олмайсиз. Агар ширкатингиз чегаралари бинонинг қиррасидан ўтса, дўкон ширкат ҳудудида жойлашмаган бўлиб чиқади ва унга ўз ҳуқуқларингизни рўкач қила олмайсиз.

## ТОМ, ҲИСОБЛАГИЧ, ШАРТНОМА...

***В.Шепелева, «Умид коммуналчи» ХУМШ (Қорақамиш даҳаси):***

**Уй томидан чакка ўтади ва менинг квартирамни сув босади. Ширкат кўп йиллар мобайнида ҳеч нима қилмаяпти, фақат уни таъмирлашни ваъда қилиб келади. Тизимлар тўлиб қолгани учун бир стояк бўйича тўрт қаватнинг биронтаси иситилмайди. Раис эса: «Ўз ҳисобингиздан таъмирланг, кейин сизларга қайта ҳисоб-китоб қилиб берамиз», дейишдан чарчамайди.**

– Ширкатингиз билан боғланамиз ва вазиятни аниқлаймиз.

***А.Косогова (Чилонзор-11 даҳаси, 41-уй, 63-хонадон):***

**2008 йилда биз квартирамизга иссиқ сув учун ҳисоблагич ўрнатдик. Уни дарҳол пломбалашмади, шу боис қарийб бир йил хизматларга ўртача норматив бўйича ҳақ тўладик. 2009 йилда ҳисоблагичга пломба қўйилди, бироқ бунда далолатнома ҳам, шартнома ҳам тузишмади, ҳисоблагич кўрсаткичини нолга ўтказишмади. Агар биз ҳозир ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича пул тўласак, у ўрнатилган пайтидан бошлаб ишлаган даври учун ҳақ тўлашимиз керак бўлади, бироқ биз бу вақт мобайнида ўртача меъёрда пул тўлаб келганмиз. Ҳозир ҳам шундай тўлашни давом эттиряпмиз, бироқ тўғри ёки нотўғри иш қилаётганимизни билмаймиз.**

– Сиз пломбаланган пайтдан бошлаб ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича иссиқ сув учун ҳақ тўлашингиз керак эди. Бироқ бунда «Иссиқликэнерго» ходимлари далолатнома тузишлари ва аввалги кўрсаткичларни нолга туширишлари шарт эди. Сиз «Иссиқликэнерго» трестига ёзма ариза билан мурожаат қилишингиз лозим.

***В.Ивашин, «Мурод коммуналчи» ХУМШ (Чилонзор-26 даҳаси, Учтепа тумани):***

**4 йил мобайнида ширкат аҳоли билан хизмат кўрсатишга шартномалар тузмайди. Қонуннинг 26-моддасида айтилишича, ширкатнинг кўп хонадонли уйдаги нотурар жой мулкдори билан муносабатлари шартнома билан тартибга солинади. Уйда 5 йилдан бери томдан чакка ўтади, квартирада шип, деворлар нам босган. Ҳокимлик ХУМШ зиммасига томни таъмирлаш мажбуриятини юклади. Йўлаклар ҳам кўпдан буён таъмирталаб, бироқ ҳеч нарса қилинмаяпти. Ширкатда ишлар режалари йўқ, олти марта директор ўзгарди. Слесарь, сантехникни чақирсанг, ярим йиллаб келмайди.**

– Қонуннинг 6-моддасида ширкат аъзолари ҳисобланмаган **нотурар жойлар** мулкдорлари тўғрисида сўз боради, шу сабабли уларнинг ХУМШ билан муносабатлари шартнома асосида қурилади. Сиз эса **турар жой** мулкдори, ширкат аъзосисиз. ХУМШ – уйни тартибли сақлаш, унда иссиқлик, шинамлик, тозалик бўлиши учун мулкдорларнинг бирлашмаси, яъни ширкат сиз ва сизнинг қўшниларингиздир. Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ у **турар жойларнинг хусусий мулкдорлари ташаббусига кўра ташкил этилади, ўзининг уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида амал қилади.** Шундай экан, ким билан шартнома тузмоқчисиз? Ўзингиз биланми? ХУМШ аъзоларининг муносабатларини устав тартибга солади, у ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланади.

Энди томни таъмирлаш масаласига келсак. Ҳокимлик ширкат зиммасига томни таъмирлаш мажбуриятини юклади. Бироқ буни ХУМШ кимнинг пулига бажариши керак? Квартира мулкдорларининг пулига, яъни сиз тўлайдиган бадаллар ҳисобидан. Шу сабабли сиз бошқа харажатлардан ташқари томни капитал таъмирлашга ҳам етиши учун бадаллар миқдори қанча бўлишини ҳисоблаб чиқишингиз лозим. Бу кўп чиқим талаб қиладиган иш. Сиз бу масалани умумий йиғилишда қўшнилар билан муҳокама қилишингиз, бу пулларни қаердан олишни ўйлашингиз керак.

Бунда бир нечта вариант бўлиши мумкин. Сиз мажбурий бадал миқдорини оширишингиз; қўшимча манбалар (ҳомийлар) топишингиз; шу мақсадни кўзлаб пул йиғишингиз; мажбурий бадалдан ташқари мақсадли бадал жорий этишингиз мумкин ва ҳоказо. Агар сўз қисман таъмирлаш – икки-учта квартира хусусида бўлса, иш анча осон кечади. Умумий йиғилишда ушбу ишни 2010 йилги ишлар режасига киритиш масаласини кўтарасиз. Йўлакларни таъмирлашда ҳам худди шундай йўл тутилади. Уларни бажариш харажатларини ҳисоблаб, уйда нима ишларни қайси пул эвазига қилишингиз кераклигини ҳал этишингиз керак. Ширкатда ишлар режаси мавжуд. Уни батафсил кўриб чиқиш, умумий йиғилишда тасдиқлаш лозим, холос. Агар ширкатингизда улар ўтказилмаса, уни тасдиқлатиб бўлмайди.

Сиз олтинчи директор келди деяпсиз. Агар ижрочи директор тўғрисида гапираётган бўлсангиз, у ёлланма ходим бўлиб, уни ширкат меҳнат шартномаси бўйича ишлашга таклиф қилади. Агар сизлар, яъни ХУМШ аъзолари бирлашиб, Қонунда кўрсатилганидек барча масалаларни аҳиллик билан ҳал этганингизда ана шу муаммолар юзага келмас эди. Ижрочи директор умумий йиғилишларда қабул қилинадиган ва тасдиқланадиган қарорларингизни бажариш учун ҳам ижрочидир. Сизлар нафақат ўз

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

квартираларингиз, балки уйдаги умумий мулкнинг ҳам мулкдорлари бўлганингиз учун ХУМШ ишини назорат қилишингиз керак: пуллар нимага сарфланади, қандай ишлар режалаштириляпти, уларни ким қандай бажаряпти ва ҳоказо. Агар тафтиш комиссиясига ўзингиз ишонадиган қўшниларни сайлasангиз, у ширкат иши устидан назоратни амалга оширарди, слесарь ва сантехниклар ҳам ўзбошимчалик қилишмасди.

ХУМШ фаолиятининг жорий масалалари билан бошқарув шуғулланади. Бироқ у умумий йиғилишнинг қарорларини бажариши керак, Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ у ширкатнинг юқори органи ҳисобланади.

*М.Расулова, «Умид коммуналчи» ХУМШ (Қорақамиш 2/3 даҳаси, 1-уй):*

**Саккиз ойдан буён лифтимиз ишламайди. Ширкатга арз қилсак, у ерлардаги двигатели ёниб кетган дейишади, бироқ ҳеч ким уни таъмирлашга шошилмайди. Мажбурий бадал таркибига лифтни тутиб туриш харажатлари ҳам киради. Шу жумладан авариялi вазиятлар бўлганда қилинадиган харажатлар назарда тутилган. Нима учун аҳоли шунча вақтдан буён қийналиши керак?**

– Биз туман уюшмаси ва ширкатингиз билан боғландик. Бизга уч-тўрт кун мобайнида двигателни тузатиш ва лифтни ишга туширишга ваъда беришди.

### ВАКОЛАТЛАР МАСАЛАСИДА

*Н.Бобоева, «Миг Сервис» ХУМШ ижрочи директори (Чилонзор-25 даҳаси, Учтепа тумани):*

**ХУМШ ижрочи директори, раиси ва бошқаруви ваколатларининг чегараланиши хусусида батафсилроқ билмоқчиман. Буни қонун ҳужжатлари қандай қилиб тартибга солади? Раис ва бошқарувнинг қандай ваколатлари директорга берилиши, қайсилари берилмаслиги мумкин?**

– Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ ширкат аъзоларининг **умумий йиғилиши бошқарувчи (ижрочи директор) ёки БТ номзодларини, иш ҳақи миқдори ва ХУМШ ходимлари, шу жумладан бошқарувчи (ижрочи директор)ни мукофотлаш тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлайди.** Қонуннинг 25, 26-моддаларида назарда тутилишича, кўп хонадонли уйдаги умумий мулк мулкдорлари умумий йиғилишнинг қарори билан бошқарув ва унинг раисининг мулкни бошқариш билан боғлиқ айрим ваколатларини бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилотга беришлари мумкин. Ширкат у айни қандай функцияларни беришини мустақил равишда ҳал қила олади. Қонуннинг айни шу моддаларида белгиланишича, **ижрочи директор, БТга қуйидаги ваколатлар берилиши мумкин эмас**:

ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини ҳамда жой мулкдорлари йиғилишини чақириш ва уларнинг ўтказилишини ташкил этиш;

бошқарувчиликка (ижрочи директорликка) номзодларнинг ёки бошқарувчи ташкилотнинг танлов асосида танлаб олинишини ташкил этиш;

танлов ғолиби билан умумий мол-мулкни ва ширкат мол-мулкини бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш учун **шартномалар тузиш (имзолаш)**;

умумий мол-мулк, ширкатнинг ер участкаси ва мол-мулки асралиши ва сақланиши устидан назорат қилиш;

**ускуналар, асбоб-анжомлар ва бошқа моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиш, уларни сотиш, топшириш, айирбошлаш, ижарага бериш**, шунингдек уларни ширкатнинг балансидан чегириб ташлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

**ширкат маблағларини тасарруф этиш, молиявий ҳужжатларни имзолаш.**

**Г.Файзулина, «Озодлик» ХУМШ (Чилонзор-8 даҳаси):**

**– Мен уй қўмитаси раисиман ва ширкатимизга кўрсатган ёрдами учун Чилонзор туман ҳокимининг ўринбосарига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Кейинги 2 йил ичида ХУМШ жуда фаол ишлаяпти, томни таъмирлаяпти, уйни яхшилаш бўйича бошқа ишларни бажаряпти, ҳудудни ободонлаштиряпти. Уйимиз йилдан йилга яхши бўлиб боряпти. Меҳмон бўлиб келинг!**

– Раҳмат, албатта келамиз.

## Ҳуқуқий саводхонлик бурчаги

# ХУМШдан ОЛИНМАЙДИ

***Бизнинг ХУМШ кредит уюшмасида депозит ҳисобрақамига эга, у ҳиссамизга йиллик 18% ҳисоблаб ёзади. Президентнинг 2006 йил 25 июлдаги ПҚ-425-сон қарорига кўра ХУМШ бир қатор солиқлардан, шу жумладан фойда солиғидан ҳам озод қилинган. Бироқ кредит уюшмасида бизнинг ҳиссамизга ҳисоблаб ёзиладиган фоизлардан 10% солиқ ушлаб қолиняпти. Бу ҳол тўғрими?***

**«Коинот-Марварид» ХУМШ раиси.**
**Самарқанд.**

– Президентнинг «1991 йилгача қурилган кўп хонадонли тураржой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини якунлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига *(2006 йил 25 июлдаги ПҚ-425-сон)* мувофиқ хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари 2010 йилнинг 31 декабригача бўлган муддатда **барча турдаги солиқлар**, йиғимлар ва бюджетга, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Мактаб таълими жамғармасига, ягона ижтимоий тўловдан ташқари, мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади. Тегишинча, кредит ташкилоти томонидан ХУМШга ҳисоблаб ёзиладиган **фоизларга ҳам солиқ солинмайди**.

Фоизлар кўринишида олинадиган даромадлар қисмида имтиёздан фойдаланиш учун ширкат солиқ органларига унинг имтиёз қўллаш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ёзма тасдиқнома олиш учун мурожаат қилиши ва уни кредит уюшмасига тақдим этиши керак.

Фоизлардан илгари ушлаб қолинган сумма ХУМШ аризасига кўра ягона ижтимоий тўлов бўйича бўлғуси тўловлар ҳисобига инобатга олиниши ёки ариза берилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қайтарилиши мумкин.

***«Norma Ekspert» гуруҳи мутахассислари томонидан тайёрланган.***

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

# БОШҚАРУВЧИ ТАШКИЛОТ ҚАНДАЙ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТАДИ?

***Ўзбекистонда малакали бошқарувчи ташкилотлар (БТ) ўз мижозларига кенг доирадаги хизматларни кўрсатяпти. Ҳозирча булар бир қолипдан чиқолмаяпти, янгича ёндашув юқори даражада эмас. Бунда ширкатлар ёки квартира мулкдорлари тимсолидаги мижозлар ҳали ҳам кўпроқ бошқарув хизматларини эмас, балки техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашларни афзал билишмоқда. Бозорнинг бирор-бир алоҳида соҳасига ихтисослашув тўғрисида ҳам ҳозирча гапиришга эрта. Экспертларнинг фикрича, бундай ёндашув уй-жой хизматлари бозори шаклланишининг бошланғич босқичи учун хос. Эҳтимол, бошқарув хизматларини деталлаштириш уларнинг ширкатларга ҳам, турар жой мулкдорларига ҳам зарурлигини янада яққол тасаввур этиш имконини беради. ХУМШ учун бошқарув хизматлари рўйхатини қандай қилиб кенгайтиришни Россиядаги БТлардан бирининг тажрибаси кўрсатади, уни ўрганиб чиқиш биз учун фойдадан холи бўлмас.***

## I. УЙЛАРНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ШИРКАТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**1. ХУМШни ташкил этиш:**

1.1. Жой мулкдорлари ва ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун ҳужжатлар пакетини тайёрлаш;

1.2. ХУМШ уставини ишлаб чиқиш;

1.3. ХУМШни давлат рўйхатидан ўтказишга ариза тайёрлаш;

1.4. ХУМШни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш (шу жумладан таъсис ҳужжатларини тайёрлаш);

1.5. Уйни ХУМШ бошқарувига топширишни кузатиш:

топширувчи тараф қаршилик кўрсатганида ёки ҳаракатсиз бўлганида уйни бошқарувчига топширишни расмийлаштириш бўйича ёзма тавсиялар;

уйга доир ҳужжатларни топшириш далолатномаси лойиҳасини ишлаб чиқиш;

уйни бошқариш билан боғлиқ ҳужжатларни топшириш тўғрисида аввалги ташкилотга асосланган мурожаат лойиҳасини расмийлаштириш.

**2. ХУМШ фаолиятини ташкил этиш:**

2.1. Жой мулкдорлари умумий йиғилишда тасдиқлаши учун турар жойни сақлаш ва таъмирлаш бўйича ишлар (хизматлар)нинг тарификацияланган рўйхатини (бошқарув, умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш) тайёрлаш;

2.2. Локал меъёрий ҳужжатлар пакетини ишлаб чиқиш (меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимларни мукофотлаш тўғрисида низом, ички тартиб қоидалари, штат жадвали, лавозим йўриқномалари, меҳнат шартномалари);

2.3. ХУМШ аъзолари (жой мулкдорлари)дан йиғим олиш ва кўп хонадонли уйни капитал таъмирлашга маблағларни сарфлаш тартибини тайёрлаш (капитал таъмирлаш харажатларини тўлаш бўйича қарор қабул қилиш регламенти, жамғариш ҳисобварағини очиш ва юритиш қоидалари, ҳужжатларнинг шакллари);

2.4. Сақлаш ва таъмирлаш учун ХУМШ аъзолари (жой мулкдорлари) тўловларининг ҳар ойлик мажбурий бадаллари ҳисоб-китоби, уларни ҳисоблаб ёзиш ва йиғиш тартибини ишлаб чиқиш, қайта ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

2.5. Уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш

Реклама

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Бухоро филиали мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган қайта очиқ кимошди савдоларига таклиф этади. Бухоро туман ҳокимлиги ва Бухоро вилоят ўрмон хўжалиги билан ҳамкорликда тузилган шартномага мувофиқ агросаноат биржаси Бухоро филиали объектнинг бошланғич баҳоси қадамма-қадам ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ кимошди савдоларига таклиф этади. Савдолар 2010 йил 15 апрель куни соат 11.00 да Агросаноат биржаси жойлашган биносида бўлиб ўтади.**

Савдога қуйидаги автомашиналар чиқарилади:

1. 1997 й. и/ч, давлат № 20 АА 123 бўлган кўк рангли ТИКО русумли автомашинаси. Бошланғич баҳоси - 2 282 460 сўм. (Ушбу автомашина корхона ўзида сақланмоқда).

2. 1996 й. и/ч, давлат № 20 АЕ 192 бўлган оқ рангли ТИКО русумли автомашинаси. Бошланғич баҳоси - 2 929 841 сўм. (Ушбу автомашина корхона ўзида сақланмоқда).

Савдоларга қатнашиш учун истак билдирган шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

1. Мулкни сотиб олиш учун ариза.

2. Закалат тўғрисидаги келишув шартномаси.

3. «Савдо ташкилотчиси»нинг МФО 00119, СТИР 203439473, «Ипотека» банк АТИБ «Сардор» филиали 20208000704088127001 ҳисобрақамига мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдордаги гаров пуллари тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси.

4. Жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, агарда унинг вакили бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома.

5. Ҳуқуқий шахслар учун – шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси. Агарда аукционда ваколатли вакил қатнашганда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади.

Автомашиналар учун аризаларни қабул қилиш савдолар бошланишига 2010 йил 14 апрель соат 11.00 гача тўхтатилади. Аризалар Бухоро Агросаноат биржаси томонидан қабул қилинади.

Иштирокчиларга аукцион савдоси тўғрисида эълон қилинган пайтдан бошлаб аукционга қўйилган мулк билан танишиш имконияти яратилади.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик кўч., 10-уй, тел.: 223-29-97, 223-48-87. Электрон почта: bunapb@rambler.ru.**

**Лицензия: серия DB 001 рақами 000012.**

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*



НОРМА МАСЛАҲАТЧИ N 15 (248) • 2010 йил 13 апрель 5

учун пудрат ташкилотларини танлов асосида белгилаш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш;

2.6. Пудратчи ташкилотлар билан тузиладиган, уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича ҳужжатлар пакетини ишлаб чиқиш (чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш, лифт хўжалигига хизмат кўрсатиш, уй-жойнинг конструкцияли элементларини таъмирлаш ва ҳоказо);

2.7. Ширкат томонидан коммунал хизматларни етказиб берувчилар олдида мулкдорлар манфаатини ифодалаш тартибини тайёрлаш;

2.8. Бошқарувчи ташкилот билан бошқарув шартномасини ишлаб чиқиш;

2.9. Юридик шахсни ташкил этмасдан уйга хизмат кўрсатувчи мулкдорлар жамоаси учун уй (йўлак) бўйича бошлиқни танлаш, уй қўмитаси (кенгаши)ни ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш;

2.10. Умумий мол-мулк объектларини топшириш тартибини ишлаб чиқиш (шу жумлдан ер участкасини фойдаланиш учун учинчи шахсларга топшириш, қарорлар қабул қилиш регламенти, ҳужжатлар шакллари);

2.11. Умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича ишлар (хизматлар) бажарилишининг ишлаб чиқариш режасини тайёрлаш (моддий ва меҳнат ресурслари);

2.12. Кўп хонадонли уйларни бошқариш хизматларига доир 1 йилга харажатлар ва даромадлар сметасини шакллантириш ҳамда жой мулкдорлари учун тўловлар миқдорини белгилаш;

2.13. Кўп хонадонли уйни бошқаришнинг бир йиллик молия режасини тайёрлаш;

2.14. ХУМШ бошқарув ҳисобини ишлаб чиқиш (ҳисоб таснифномаси ва уни бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига боғлаш, бошқарув ҳисоботи шакллари);

2.15. ХУМШда бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича тавсиялар тайёрлаш (маслаҳат билан таъминлаш);

2.16. ХУМШда кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш;

2.17. Жой мулкдорлари ва ХУМШ томонидан уй-жой-коммунал хизматлар сифатини назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш (аҳоли билан ишлаш регламенти, ҳужжатлар шакллари, ишлар (хизматлар)нинг ижрочиларига нисбатан қўлланадиган чоралар, пудратчи ва энергия ресурсларини етказиб берувчилар билан ишлаш регламенти);

2.18. Аҳоли билан ахборот-тушунтириш ишлари учун ҳужжатлар пакетини ишлаб чиқиш (уй-жой-коммунал хизматларга тўлаш бўйича қарзнинг йўқлиги, оила таркиби тўғрисидаги маълумотномалари ва ҳоказо);

2.19. Уй-жой-коммунал хизматлардан қарздор бўлганлар билан ишлаш тизимини ишлаб чиқиш (тўламайдиганлар билан ишлаш регламенти, коммунал хизматлардаги чеклашлар ва улардан узиб қўйишлар, қарзларнинг олдини олиш ва уларни камайтириш тадбирлари, ҳужжатларнинг шакллари);

2.20. Ширкат аъзолари тасдиқлаши учун кўп хонадонли уйларни бошқариш бўйича ХУМШ фаолияти тўғрисида йиллик ҳисоботни шакллантириш;

2.21. ХУМШда молия фаолиятини тафтиш қилиш тартибини ишлаб чиқиш (тафтиш ўтказиш регламенти, ҳужжатларнинг шакллари).

**3. ХУМШни тугатиш:**

3.1. ХУМШни тугатиш таомилини ишлаб чиқиш;

3.2. ХУМШни тугатиш жараёнини кузатиш.

Шунингдек:

**II. ХУМШда УЙЛАРНИ БОШҚАРИШ СОҲАСИДА ЮРИДИК, МОЛИЯВИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ТАШКИЛИЙ ВА БОШҚАРУВ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЭКСПЕРТ ХУЛОСАЛАРИ**

**III. ХУМШ УЮШМАЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

1. ХУМШ уюшмаси фаолияти концепциясини тайёрлаш (фаолият мақсадлари, вазифалари, йўналишлари ва қоидалари);

2. ХУМШ уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун таъсис ҳужжатларини тайёрлаш.

***“Уй-жой соҳасида бошқарувчи ташкилотларнинг фаолият асослари” семинари материалларидан.***

---

## Фойдали маслаҳат

# ТАЪМИРЛАШ КЕРАКМИКАН?

***Агар сиз ўз турар жойингизни сотмоқчи бўлсангиз, уни таъмирлаш кераклиги ёки керак эмаслигини яхшилаб ўйлаб кўринг. Агар керак бўлса, қандай таъмирлаш лозим бўлади?***

2010 йил январда британиялик риелторлар ўз уй-жой майдонини сотиш учун такомиллаштирганда уй эгалари йўл қўядиган асосий хатолар рўйхатини туздилар. Рўйхатга икки кичик хонали битта катта хонага бирлаштириш ҳисобига хоналар сонини камайтириш ҳам киритилган. Буюртмага бажарилган мебелни ошхона ва ванна хонасига жойлаштириш ҳам бефойда, чунки харидорларда уларни жойлаштириш бўйича ўз фикрлари бўлиши мумкин. Антирейтинг – ҳашамдор дизайн ва интерьерда урф бўлган ранглардан фойдаланиш ўринсиз: экспертларнинг ҳисоблашича, нейтрал ранг ва соддагина безатиш кўпроқ харидорларга маъқул келади.

Кўчмас мулк бўйича россиялик мутахассисларда ҳам ўз навбатида турар жойни сотиш олдидан жиҳозлаш бўйича бир қатор маслаҳатлар мавжуд. Квартирани таъмирлаш доим ҳам унинг қийматини оширавермайди. Унга сарфланган пуллар ўзингизга қайтиши тўғрисида унчалик умидвор бўлманг. Агар турар жой сифатли, яъни кўчиб келиб яшайвер қабилида таъмирланган бўлса, харидор сизнинг қўйган нархингизга рози бўлиши мумкин. Квартиранинг дераза ва эшик каби эътиборли элементлари ҳам нархнинг ошишига таъсир кўрсатиши мумкин. Совет давридагига қараганда замонавий моделлар харидорларда анча яхши таассурот қолдиради.

Қолган барча ҳолларда тажрибали сотувчилар таъмирлашга вақт, саъй-ҳаракат ва пул сарфламасликни маслаҳат берадилар. Энг муҳими – топтоза бўлсин ва сантехника соз ишлаб турсин. Албатта, агар сўз шипда оққан сувнинг излари қолган ва сантехника ишламайдиган, «дабдаласи чиққан» квартира тўғрисида борса, турар жойни одамшаванда аҳволга келтирган дуруст, бироқ ортиқча ҳашамдорликка ўрин йўқ. Бироқ бунинг учун дарҳол ҳатто «пардозлаш»ни бошлашнинг кераги йўқ. Гулқоғозларни бошқатдан ёпиштириш, полдаги тирқишларни йўқотиш ва бошқа арзимас шикастларни тузатиш етарли.

Яна бир жиҳат. Тежамкор тоифадаги турар жойлар учун жиддий таъмирлаш унча долзарб эмас: харидорлар гулқоғозлари эски бўлса-да квадрат метрларни арзонроққа сотиб олишни афзал кўрадилар. Элита квартиралар учун эса дизайнли таъмирлаш тўғри келиши аниқ: таҳлилчиларнинг маълумотларига кўра, қиммат турувчи квартиралар бозори мижозларининг 70-80%и айни европача таъмирланган кошоналарни сўрашади. Умуман олганда, сотувчи учун бўлғуси мижозларни чўчитмаган ҳолда жозибали қилиш учун квартирани рисоладагидек яхшилаш муҳимдир.

***Интернет тармоғи материалларидан.***

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**РКМБ Марказий аппаратида 2010 йил 17 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига** «VISOT STROY MONTAJ» МЧЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 22.01.2010 йилдаги 10-0917/18675-сонли қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган ҳамда кредиторларнинг 02.04.2010 йилдаги йиғилиш қарорига асосан «VISOT STROY MONTAJ» МЧЖга тегишли Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Ходжаев кўчаси манзилида жойлашган мулкий мажмуаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 394 635 800 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел. 228-79-52. www.rkmb.uz

---

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖнинг вилоят филиалларида бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I. РКМБ Хоразм вилояти филиалининг аукцион савдосига** Хонқа туман суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган 27.04.2006 йилдаги 908-сонли, 21.09.2007 йилдаги 93-сонли ижро варақаларига асосан "Хонқа дон маҳсулотлари" ОАЖга қарашли бўлган: 1. "Хонқа дон маҳсулотлари" ОАЖ ҳудудида, Хазорасп-Урганч ички асфальт йўли бўйида жойлашган, қурилиш ости ер майдони – 1 487,4 кв. метрни ташкил қилган «Тара тузатиш устахонаси» қуйидаги ускуналари билан бирга мажмуа ҳолида: автоклав вертикальный - 1 комплект, заверточная машина Б-4 КЗК - 1 комплект, ванночки металлические - 2 комплект, конвеер М8-АКСМ - 2 комплект. Бошланғич баҳоси – 213 914 900 сўм. 2. Янгиариқ тумани марказида Хазорасп-Хива асфальт йўли бўйида жойлашган, умумий ер майдони – 2 350,48 кв. метрни, шундан қурилиш ости ер майдони – 986,9 кв. метрни ташкил қилган, "Янгиариқ кичик нoввойхонаси" ВИНКЛЕР русумли нон ишлаб чиқариш ускуналари жамланмаси билан. Бошланғич баҳоси – 67 650 500 сўм. 3. Хонқа тумани, Халқлар Дўстлиги кўчасида жойлашган, умумий ер майдони – 707,31 кв. метрни, шундан қурилиш ости ер майдони – 455 кв. метрни ташкил қилган, 2 қаватли дўкон ва новвойхона биноси, ЭКМОСАН русумли нон ишлаб чиқариш ускуналари жамланмаси билан. Бошланғич баҳоси – 296 095 600 сўм. 4. "Хонқа дон маҳсулотлари" ОАЖ ҳудудида, Хазорасп-Урганч ички асфальт йўли бўйида жойлашган, қурилиш ости ер майдони – 4 426,72 кв. метрни ташкил қилган, иссиқхона (парник) иншооти, 95 туп 3-4 йиллик лимон дарахтлари билан. Бошланғич баҳоси – 174 954 200 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 11 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, ИНН: 200933850. Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефон: 8 (362) 226-43-64, 226-32-63, факс: 224-36-97.

**II. РКМБ Навоий вилояти филиалининг аукцион савдосига** Суд Департаментининг Навоий шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Кармана ТФИБСнинг 2009 йил 28 октябрдаги 1-5004-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган Авулов Саломга тегишли, Навоий ш., 7-даҳа, Х.Дўстлиги кўчасида жойлашган, ум. майд. 117,55 кв. м, 2 қаватли бўлган 5 хонали савдо дўкони биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 190 000 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 12 май куни соат 12.00 да бўлиб ўтади.**

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" РКМБ Навоий филиалининг АТ "Ипотекабанк" Навоий филиалидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: МФО 00205, ИНН 200933850, ҳ/р: 20210000300571452458. Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй, Навоий вилоят Давлат мулкини бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Тел.: 8 (436) 22-4-15-61, 22-4-64-31.

**III. РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг аукцион савдосига** Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 3 октябрь кунги ижро варақасига асосан етказилган зарарни қоплаш мақсадида давлат эгалигига ўтказилган, Гулистон шаҳар, 3-мавзе, 2 промзонада сақланаётган қуйидаги ун ишлаб чиқариш ускуналари қўйилмоқда:

1. Сепаратор группаси – 1 дона. Бошланғич баҳоси – 7 650 000 сўм. 2. Элеватор комплекси – 1 дона. Бошланғич баҳоси – 7 371 000 сўм.

3. 80/1+125/1+200 русумли тегирмон ускунаси. Бошланғич баҳоси – 464 172 525 сўм. 4. Буғдойни тозалаш ускунаси. Бошланғич баҳоси – 2 292 210 сўм. 5. Буғдойни тозалаш ускунаси. Бошланғич баҳоси – 2 292 210 сўм. 6. Ёғоч материали омборхонаси. Бошланғич баҳоси – 40 441 271 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 11 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБ Сирдарё вилоят филиалининг ДТ Халқ банки Сирдарё шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: МФО 00760, ИНН: 200933850, ҳ/р: 20210000800571452122.

Манзил: Гулистон шаҳар, "Бизнес маркази" биноси, 3-қават, 56-хона. Тел.: (8-3672) 26-28-93, 26-38-91.

**Диққат тузатиш! РКМБ Марказий идорасининг аукцион савдосига** Тошкент тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб «Солиқ ва божхона хабарлари» газетасида 08.03.2010 йилдаги 10(814)-сонида чоп этилган хабарноманинг I-бандида Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Абдураҳмонов ш/х 2-бўлим манзилида жойлашган умумий ер майдони 0.48 га бўлган, база, идора ва ёрдамчи бинолари билан «Бизнес Строй» хусусий корхонаси қўйилмоқда» деб кўрсатилган жумласини ўрнига «Тошкент тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Абдураҳмонов ш/х 2-бўлим манзилида жойлашган «Бизнес Строй» хусусий корхонасига тегишли умумий ер майдони 0.48 га бўлган, база (омборхоналар), идора ва ёрдамчи бинолари билан биргаликда қўйилмоқда» деб ўқилсин. **Асос:** Тошкент тумани СИБнинг 2010 йил 08 апрелдаги 11-29 7062/6-сонли хати.

**Юқорида кўрсатилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.**

***Диққат!***

***Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг ҳудудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилади. Оммавий савдолар мулк эгасининг ихтиёрига кўра бевосита жойларга чиқиб ўтказилиши мумкин. www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 №000004.***

